



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
MONOPOLIYAGA QARSHI KURASHISH QO'MITASI HUZURIDAGI  
ISTE'MOLCHILAR HUQUQLARINI HIMOYA QILISH AGENTLIGI



CONSUMER PROTECTION AGENCY  
UNDER THE ANTIMONOPOLY COMMITTEE  
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

100128, Toshkent sh., Labzak ko'chasi, 3-uy, Tel.: (998 71) 207-46-00, Tel.: (998 71) 241-22-53  
ishonch tel.: 1159, www.consumer.uz, e-mail: info@consumer.uz e-xat: consumer@ecat.uz

002415

“ 08 ” 06 20 20 y. № 02-06/1292

## Оммавий ахборот воситалари, радиоканаллар

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ўз ваколатлари доирасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади.

Агентлик томонидан ўтказилган ўрганишларда айрим ОАВда рекламаларни тарқатишда (жойлаштиришда) реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузилишига йўл қўйилмоқда, шунингдек бу ҳолатлар ижтимоий тармоқлар фойдаланувчиларининг ҳам ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Хусусан, телеканаллар томонидан тарқатилаётган таниқли қўшиқчилар иштирокидаги тўғридан-тўғри узатиладиган концерт дастурлари рекламасида жонли ижро тўғрисида ахборот берилмоқда, бироқ ушбу концерт тадбирлари иштирокчилари (хонанда, созанда, меҳмон хонанда, хонанданинг ўғли ёки қизи) томонидан жонли ижродан фойдаланилиши шубҳа остида қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан, театр-концерт тадбирлари ўтказилаётганда фонограммадан фойдаланиш тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши, Театр-концерт тадбирларини ўтказишда фонограммадан фойдаланиш тўғрисида маълумотни тақдим этиш Қоидаларида (рўйхат рақами 1188, 2002 йил 16 ноябрь) агар тадбирда фонограмма ишлатилса, унинг рекламаларида “Фонограмма орқали ижро этилади” деган сўзларни ва улар (сўзлар) рекламада горизонтал тарзда, аниқ кўринган ҳолда, рекламанинг умумий ҳажмининг 5 фоизидан кам бўлмаган даражада бўлиши шартлиги белгиланган.

Юқоридагиларга асосан Сиздан, истеъмолчиларни нотўғри ва ишончсиз рекламалардан ҳимоя қилиш мақсадида, театр-концерт тадбирлари ҳақидаги ахборотни қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилган ҳолда тарқатишингиз сўралади.

Директор ўринбосари

А.Курбонов